



## Ислом Нури

Аллоҳ таоло Жумъа сурасининг 2- оятида шундай дейди: «**У** (Аллоҳ) **омийлар** (яъни аҳли китоб бўлмаган илмсиз кишилар) **орасига ўзларида бўлган, уларга (Қуръон) оятларини тиловат қиладиган, уларни (ширк ва жаҳолатдан) поклайдиган ҳамда уларга Китоб — Қуръон ва ҳикмат — ҳадисни ўргатадиган бир пайғамбарни** (яъни Муҳаммад алайҳис-саломни) **юборган зотдир.**» дейди.

Оли-Имрон сурасининг 110-оятида эса: «(Эй уммати Муҳаммад алайҳис салом), **одамлар учун чиқарилган миллатнинг энг яхшиси бўлдингиз. Зеро яхши амалларга буюрасиз ва ёмон амаллардан қайтарасизлар**», дейди.

Имом Муслим Абу Масъуд Уқба ибн Омир ал-Ансорий розияллоху анхудан ривоят қилган ҳадисда Расуллуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам шундай дедилар: «Ким бирон яхшиликка бирор кишини йўллаб қўйса, у кишига шу — яхшиликни қилган — кишичалик савоб ёзилади.

Имом Муслим ривоят қилган бошқа ҳадисда Абу Хурайра розияллоху анху Расуллуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: Ким одамларни яхшиликка чақирса, бу кишига ҳам шу яхшиликни қилган одамларнинг ажричалик — уларнинг бирон ажри ноқис бўлмасдан — ажр ёзилади. Ким одамларни залолат-ёмонликка чақирса, бу кишига ҳам шу ёмонликни қилган одамлар қатори — уларнинг бирон гуноҳи ноқис бўлмасдан тўлиқ — гуноҳ ёзилади, дедилар.

Имом Термизий Абу Умома ал-Баҳалий розияллоху анхудан ривоят қилган ҳадисда Расуллуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам шундай дедилар: Албатта Аллоҳ таоло, Фаришталар, Еру-осмон аҳли ва ҳаттоки чумолилар уясида туриб одамларга яхшиликни ўргатувчи



## Ислом Нури

кишига дуо-истиғфор айтиб туришади.

### **Шарх:**

Аллоҳ таоло пайғамбарларни жўнатишидан мақсад инсонларга динларидаги амалларни ўргатиш ва хайрли амалларга чақиришдир, шунинг учун ҳам бу амал улуғ вазифа ҳисобланади. Кимни Аллоҳ таоло инсонларга дин ишларидан таълим беришга ва яхшиликга йўллашга муваффақ қилиб қўйса дарҳақиқат пайғамбарларга меросхўр бўлибди, чунки бу амал сабабли илм тарқалади, ер юзида амру маъруф, наҳий мункар бўлиб, одамлар устига Аллоҳ таолонинг ҳужжати барпо бўлади.

### **Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:**

1. Одамларга хайрли амаллардан таълим бериш пайғамбарларнинг амалидандир.
2. Одамларга дин ишларидан таълим беришнинг фазли улуғ, чунки бундай кишилар одамларнинг қилган амалларининг савобида шерик бўладилар.
3. Одамларга яхшилик ўргатувчи кишининг ажри беҳисоб бўлади, чунки бундай кишини Аллоҳ таоло мақтаган ва Еру-осмон аҳли унинг ҳақкига дуо-истиғфор айтиб туради.
4. Одамларни Аллоҳга чақириш, амру-маъруф ва наҳий-мункар қилишнинг фазли буюк, бунга Оли Имрон сурасидан келтирилган оят далолат қилмоқда.